Первый удар принимают на себя дыхательные пути. Табачные яды раздражают слизистую оболочку, развиваются воспаления гортани, трахеи, бронхов, легких, курильщиков постоянно мучает кашель, который сопровождается обильным отхаркиванием грязно-серой мокроты. Они непосредственно чаще и тяжелее болеют туберкулёзом, в 20 раз чаще некурящих их поражает рак легких, в состав табачного дыма, наряду с другими вредными веществами, входит канцерогенный углерод – бензапирен, который способствует развитию злокачественных опухолей.

Систематическое курение табака угрожает развитием сердечно-сосудистых заболеваний – артеросклероз, ишемическая болезнь сердца, облетерирующий эндартерит, который связан с поражением артерий. Сначала люди жалуются на неприятные ощущения в ступнях и голенях: «ползание мурашек», похолодание, ломоту. Потом присоединяется так называемая перемежающаяся хромота. В более поздних стадиях боль бывает столь сильной, что человек временами теряет способность ходить. Иногда заболевание приводит к гангрене пальцев. Прямое и неприятное раздражение ядами табачного дыма приводит к воспалению слизистой оболочки желудка. Усиленное выделение желудочного сока приводит к хроническому гастриту.

Причина того, что человек курит в том, что ему начинает казаться, что он с легкостью может преодолеть все трудности и житейские невзгоды. Это состояние особенно нравится слабым и безвольным натурам. После двух-трёх приёмов вступает в свои права наркотик, который постепенно захватывает человека полностью.

Учёные считают, что чаще всего в зависимость от табакокурения попадают недостаточно организованные личности, которые легко поддаются внушению, попадают под влияние других, ранимые, неприспособленные к жизни, инфантильные, желающие уйти от действительности, не умеющие и неспособные перенести жизненные невзгоды.

Распространению курения в незначительной мере способствует тот психологический климат, то отношение людей к табакокурению, в котором живёт и трудится человек. При этом общественное отношение к потреблению одурманивающих веществ начинается нередко с малого коллектива, друзей, товарищей.

С. ЮНУСОВА, Ташкентский областной филиал института здоровья и медицинской статистики, зам. директора.

Конспект врача

СЕРДЕЧНАЯ НЕДОСТАТОЧНОСТЬ

(Продолжение. Начало в предыдущих номерах).

● Постановка имплантируемого кардиовертера-дефибриллятора (ИКД) применяется у больных с СН и желудочковыми аритмиями опасными для жизни (желудочковая тахикардия или фибрилляция желудочков сердца).

Современные принципы электрофизиологического лечения СН включают в себя:

Сердечная ресинхронизирующая терапия (СРТ)

● Показана больным с ХСН III-IV ФК, желудочковой диссинхронией (QRS≥120 мс), а также сниженной ФВ ЛЖ (≤35%).

● СРТ рекомендована с целью снижения заболеваемости и смертности пациентов с ХСН III-IV ФК, которым параллельно проводится оптимальная медикаментозная терапия и которые имеют сниженную ФВ ЛЖ (≤35%) и удлинение QRS (≤120 мс).

Имплантация кардиовертера дефибриллятора (ИКД)

● Показана больным с ХСН III-IV ФК со сниженной ФВ ЛЖ (≤40%), нестабильным функционированием ЛЖ, в т.ч. сопровождающимся явлениями синкопы, несмотря на продолжающуюся оптимальную медикаментозную терапию.

● ИКД показана в качестве первичной профилактики с целью снижения смертности, особенно пациентам с инфарктом миокарда в первые 40 дней, которые имеют ФВ ЛЖ ≤35%, с ХСН II или III ФК, принимающих оптимальную медикаментозную терапию.

● Установка ИКД показана как первичная профилактика смертности пациентам с неишемической кардиомиопатией с ФВ ЛЖ ≤35%, с ХСН II или III ФК, принимающих оптимальную медикаментозную терапию и у которых возможно предположение достижения компенсации и благоприятного прогноза.

Трансплантация сердца

● Операция трансплантации сердца традиционно считается средством выбора в лечении финальной стадии СН, не поддающейся эффективному терапевтическому воздействию.

Ограничения по эффективному использованию трансплантации сердца:

● Отсутствие достаточного количества донорских сердец.

● Проблема отторжения, трубующая мощной и дорогостоящей иммуносупрессивной терапии.

● Болезнь коронарных артерий пересаженного сердца, не имеющая эффективного лечения.

Главной альтернативой трансплантации сердца может быть использование аппаратов вспомогательного кровообращения, т.н**. искусственных желудочков сердца.**

● Постановка искусственного ЛЖ сердца улучшает прогноз больных с критической СН, по своей эффективности превосходит все терапевтические методы лечения.

Ультрафильтрация

Должна проводиться с целью лечения устойчивого к медикаментозной терапии отечного синдрома, а также с целью коррекции гипонатриемии и у пациентов нечувствительных к воздействию диуретиков.

7. АРИТМИИ ПРИ СЕРДЕЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТИ

Фибрилляция предсердий

● β-блокаторы и дигоксин рекомендуются с целью контроля ЧСС в состоянии покоя у пациентов с СН и дисфункцией ЛЖ.

● Комбинация дигоксина и β-блокаторов может рассматриваться с целью контроля ЧСС в состоянии покоя, а также при нагрузках.

● При систолической дисфункции ЛЖ рекомендуется начинать терапию с назначения дигоксина, если пациент гемодинамически нестабилен.

● Назначение дигоксина или амиодарона рекомендуется с целью контроля ЧСС у пациентов с фибрилляцией предсердий или СН, не имеющей дополнительных нарушений.

● Атриовентрикулярная абляция рекомендуется с целью контроля ЧСС, когда другие методы лечения невозможны или являются противопоказанием.

Профилактика тромбоэмболии

● Антитромботическая терапия с целью профилактики тромбоэмболии рекомендуется для всех пациентов с фибрилляцией предсердий.

● Пациентам с фибрилляцией предсердий и высоким риском инсульта/тромбоэмболии рекомендуется антикоагулянтная терапия антагонистами витамина К.

Желудочковые аритмии (ЖА)

● Лечение основного заболевания, а также устранение возможных факторов-провокаторов. Рекомендуется нейрогуморальная блокада с оптимальной дозой β-блокаторов, иАПФ, БРА и/или блокаторов альдостерона.

● Не рекомендуется рутинное профилактическое использование антиаритмических препаратов у пациентов с асимптоматической, не зарегистрированной ЖА. У пациентов с СН с I ФК по NYHA нельзя использовать антиаритмические препараты I С класса.

Пациенты с СН и бессимптомными формами ЖА:

● Пациентам с ослабленной функцией ЛЖ или имеющим в анамнезе желудочковую тахикардию (ЖТ) с нестабильной гемодинамикой или ЖТ с явлениями синкопы, с низкой ФВ ЛЖ (< 40%), принимающим оптимальную медикаментозную терапию и с прогнозом жизни > 1 года рекомендуется имплантация ИКД.

● Амиодарон рекомендован пациентам с имплантированным ИКД, у которых несмотря на оптимальное лечение сохраняются эпизоды ЖА.

Брадикардия

● Может наблюдаться и у пациентов с нормальной функцией ЛЖ, однако нередко встречается и при СН.

8. ЗАБОЛЕВАЕМОСТЬ И ОСОБАЯ ПОПУЛЯЦИЯ

Артериальная гипертония (АГ)

Лечение гипертонии должно проводиться с целью снижения риска развития СН (таб. 16).

Таблица 16. **Рекомендации по лечению АГ при СН**

Пациенты с АГ и доказанной дисфункцией ЛЖ
- САД и ДАД должны регулярно контролироваться и не превышать целевых уровней < 140/90 и < 130/80 мм. рт. ст. при сопутствующем СД и других факторах высокого риска. - В основном антигипертензивная терапия представлена антагонистами РАС (иАПФ и БРА).
Пациенты с АГ и СН с сохраненной ФВ
- Рекомендуется агрессивная терапия (часто тяжелыми препаратами с комплементарным механизмом действия). - иАПФ и/или БРА должны рассматриваться в качестве препаратов первой линии.

Примечание: САД – систолическое артериальное давление, ДАД – диастолическое артериальное давление,
СД – сахарный диабет, РАС – ренин-ангиотензиновая система,
иАПФ – ингибиторы АПФ,
БРА – блокаторы рецепторов ангиотензина.

Не сердечно-сосудистые заболевания

Сахарный диабет (СД)

● СД – основной фактор риска развития сердечно-сосудистых заболеваний (ССЗ) и СН.

● иАПФ и БРА могут использоваться у пациентов с СД и риском начальных повреждений внутренних органов.

● Все пациенты должны соблюдать рекомендуемый образ жизни.

● Повышенный уровень глюкозы крови должен купироваться, а в дальнейшем контролироваться. Оральная антидиабетическая терапия должна быть индивидуализирована.

● Метформин должен быть препаратом первой группы, особенно у пациентов с СД II типа без явлений почечной дисфункции.

● Тиазолидиндионы способствуют повышению периферических отеков и нарастанию симптомов СН. Они противопоказаны пациентам с СН III-IV ФК по NYHA, но могут быть с осторожностью рекомендованы пациентам с I-II ФК по NYHA с целью контроля застойных явлений.

● Раннее назначение инсулина может быть рассмотрено, если не удается снизить уровень глюкозы. Помимо доказанных эффектов на заболеваемость и смертность такие группы препаратов, как иАПФ, β-блокаторы, БРА и диуретики, продемонстрировали свою эффективность и у пациентов с недиабетической СН.

● Развитие потенциала для реваскуляризации может быть особенно важным у пациентов с ишемической кардиомиопатией и СД.

Почечная дисфункция

● Почечная дисфункция часто наблюдается при СН и прогрессирует в зависимости от тяжести СН, возраста, наличия в анамнезе АГ или СД.

● При СН почечная дисфункция носит более выраженный характер и сопровождается повышенной заболеваемостью и смертностью. По возможности, должны выявляться все основные причины почечной дисфункции.

● Основные причины: гипотензия, обезвоживание, ухудшение почечной функции на фоне приема иАПФ, БРА или приема других сопутствующих медикаментов (напр., НПВП), а также при стенозе почечной артерии.

Хронические обструктивные заболевания легких (ХОБЛ)

● ХОБЛ часто сопутствует СН. Также выявляются респективные и обструктивные легочные аномалии.

● Они имеют важное значение при выявлении признаков и симптомов во время проведения диагностических процедур с низкой чувствительностью, таких как рентгенокардиография, ЭКГ, ЭхоКГ и спирометрия.

● Это может быть основанием для опеределения и лечения легочного застоя.

● Помимо доказанных эффектов на заболеваемость и смертность такие группы препаратов, как иАПФ, β-блокаторы и БРА, могут быть рекомендованы пациентам с сопутствующей легочной патологией.

● Большенству пациентов с СН и ХОБЛ может быть рекомендовано осторожное применение β-блокаторов.

● Наличие в анамнезе астмы должно быть противопоказанием к назначению любого β-блокатора.

Анемия

● Анемия преимущественно прогрессирует при тяжелой степени СН, с увеличением возраста, при семейном анамнезе, заболеваниях почек и других сопутствующих состояниях.

● Анемия может патофизиологически аггровировать СН, воздействуя на функцию миокарда, активацию нейрогормональной системы, почечной функции, а также функции циркуляции.

● Анемия не может быть откорректирована путем обычной терапии СН. Элементарное переливание крови не рекомендуется в качестве лечения анемии при СН.

Кахексия

● Потеря веса – отягощающий фактор при СН. Генерализованный процесс приводит к потере всех весовых показателей. Кахексия может быть определена как непреднамеренная потеря веса без отеков ≥ 6 % от общей массы тела за последние 6-12 месяцев.

● Кахексия не может быть стабилизирована путем применения обычной терапии СН.

Подагра

● Пациенты с СН характеризуются развитием гиперурикемии в результате применения петлевых диуретиков и почечной дисфункции. В случае обострения подагры рекомендуется короткий курс колхицина с целью подавления болевого синдрома. НПВП, по возможности, не должны назначаться. Рекомендуется профилактический прием аллопуринола.

Т. АБДУЛЛАЕВ, профессор,
Г. НАГАЕВА, младший научный сотрудник, лаборатория некоронарогенной патологии миокарда и сердечной недостаточностни РСЦК.

(Продолжение в следующем номере).

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

Умумий амалиёт шифокорлари учун амалий ёрдам

ЎПКАДАН БОШҚА АЪЗОЛАР СИЛИНИНГ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ДИАГНОСТИКАСИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

18.6-жадвал

Асоратлар тури	Дорилар номи ва миқдори				
	Дибазол (дапазол)	Прозерин	Тропацин	Мидокалм	Галантамин 0,25%; 0,5%; 1,0%
	Катта ёшдагиларга				
Нимфалаж ва фалажлик (парез ва фалажлик).	0,03 г. кунига — 3–4 ҳафта, оғир ҳолатларда 1% — 1 мл мушак ичига. Даволаш 2–3 курсини ташкил қилади, курслар орасидаги танаффус 15 кун. 3 ойгача паданол, 0,03 г кунига 2 марта.	0,01 — 0,015 кунига 2–3 марта, овқатдан 30 мин. олдин; 0,05% — 1 мл тери остига, 25–30 кун (ўртача 20 кун), курслар орасидаги танаффус 1 ой.	0,01 — 0,015 кунига 2 марта, овқатдан кейин; 1% эритмаси — 10–15 томчидан кунига 2–3 марта. 3 ҳафтагача бериш мумкин.	0,05 кунига 2–3 марта, 3 ҳафта, 2 ойгача бериш мумкин	1% — 0,2 — 1,0 мл 1–2 марта, тери остига, 30 кун. Даволаш курсини 3–4 ойдан сўнг такрорлаш мумкин.
	Болалар ва ўсмирларга				
	1 ёшгача — 0,001 г; 1–3 ёшгача 0,002 г; 4–8 ёшгача 0,003 г; 9–12 ёшгача 0,004 г; 12 ёшдан юқори 0,005 г. Юқоридаги муолажа 3–4 ҳафтадан кейин, курсни яна такрорлаш мумкин.	10 ёшгача 0,001 г ёшга нисбатан кунига 1 марта, 10 ёшдан юқори 0,01 г. дан ошмаслик керак; 0,05% — 0,1 мл ёшга нисбатан, 0,75 мл дан ошмаслик керак. 20 кун.	3 ёшгача 0,001 — 0,002 кунига 1 марта; 3–5 ёш 0,003 — 0,005; 6–9 ёш 0,005 — 0,007; 10–12 ёш 0,007 — 0,01 г	0,05 г кунига — 2–3 марта кунига, 3 ҳафта, 2 ойгача бериш мумкин.	0,25% эритмаси 2 ёшгача 0,1 — 0,2 мл тери остига 3–5 ёш 0,2 — 0,4 мл 6–8 ёш 0,3 — 0,8 мл 9–11 ёш 0,5 мл 0,5% — 0,6 мл; 12–14 ёш 0,7 мл; 0,5% — 1 мл; 15–16 ёш 0,2 — 0,7 мл 1% эритмасини кунига 1 марта 30 кун.
Дибазол ва прозеринни айни бир вақтда қўллаш мумкин эмас, улар билан даволангандан кейин мидокалм, тропацин ёки галантамин тавсия этилади, галантаминни бир вақтда мидокалм билан бериш мумкин.					

18.7-жадвал

Б. А. Токарева усули

1	2	3	4
	I КУРС		
Кўз нерви неврити ва атрофияси	**Кўзга:** 1% пилокарпин	Кунига 3 марта	1–12 ёш
	Ионофорез Бургиньон усули билан (кўз косачалари орқали):		
	3% калий йод, ҳар бир кўзга 10 сеанс:	Кун ора	1–5 ёш
	2%; 3%; 4% ҳар бири 3-сеансдан, ҳар бир кўзга	Кун ора	5–8 ёш
	3%; 4%; 5% ҳар бири 3-сеансдан, ҳар бир кўзга.	Кун ора	8–12 ёш
	Ичишга: витамин С — 0,1 г.	Кунига 3 марта	1–12 ёш
	Дибазол — 0,002 г; 12–14 кун	Кунига 2 марта	1–3 ёш
	0,005 г; 12–14 кун	Кунига 2 марта	3–8 ёш
	0,01 г; 12–14 кун	Кунига 2 марта	8–12 ёш
	Мушак ичига: 0,25% хлор-кальций 2 г то 4 г, ҳар бири № 10	Кун ора	1–5 ёш
	2 г то 6 г, ҳар бири № 6	Кун ора	5–12 ёш
	Асепт натрий тузини эритмаси: 1% — 0,2г; 0,3г; 0,4г; 0,5г; 0,6г.	Ҳар куни	1–3 ёш
	2% — 0,2г; 0,3г; 0,4г; 0,5г; 0,6г.	Ҳар куни	1–3 ёш
	3%, 4%, 5% ҳар бири юқоридаги миқдорда	Ҳар куни	1–3 ёш
	1%, 2%, 3%, 4%, 5% ҳар бири 0,2 г; 0,5 г; 1 г.	Ҳар куни	3–5 ёш
	1% то 8% ҳар бири 0,2 г; 0,5 г; 1 г.	Ҳар куни	5–8 ёш
	1% то 10% ҳар бири 0,2 г; 0,5 г; 1 г.	Ҳар куни	8–12 ёш
	Витамин В1 10% — 1,0 г № 20—30	Кун ора	1–12 ёш
	Даволашни I курси тугагач, дарҳол II курсга ўтиш керак.		
	II КУРС		
	Мушак ичига: Алоэ 1 г — № 30	Ҳар куни	1–12 ёш
	Витамин РР — 0,5% — 1 мл № 10.	Кун ора	5–8 ёш
	1,0% — 1 мл № 10.	Ҳар куни	8–12 ёш
Агарда 2 марта ўтказилган курсларнинг самарадорлиги кам бўлса [illegible] III курс 1–2 ой танаффусдан кейин ўтказилади.			
	III КУРС ДАВОЛАШ		
Кўз нерви неврити ва атрофияси	**Қон-томирга:**		
	Натрий йод: 10% — 2 г — № 10	Кун ора	3–5 ёш
	10% — 5 г — № 10	Кун ора	5–8 ёш
	10% — 6 г — № 10	Кун ора	8–12 ёш
	Кўзга: Ионофорез Бургиньон усули билан		
	Калий йод ҳар бир кўзга		
	3% — 10 сеансдан	Кун ора	1–3 ёш
	5% — 10 сеансдан	Кун ора	3–5 ёш
	5% — 5 сеанс; 6% — 5 сеанс	Кун ора	6–8 ёш
	6% ва 8% — ҳар куни 5 сеансдан	Кун ора	8–12 ёш
	Ичишга: Дибазол — 0,003 г — 12–14 кун	Кунига 2 марта	1–3 ёш
	0,005 г — 12–14 кун	Кунига 3 марта	3–5 ёш
	0,01 г — 12–14 кун	Кунига 3 марта	5–8 ёш
	0,02 г — 12–14 кун	Кунига 3 марта	8–12 ёш
	Кўзга: 1% пилокарпин	Кунига 3 марта	1–12 ёш

Илова: 1. Беморларнинг ёшидан, асосий даволаш курсларидан қатъи назар, қўшимча тарзда 2-3 г 4-5 кун оралатиб, 4-5 марта тери остига ёки кўзнинг пастки қовоқ тагига консерваланган қонни юбориш керак. Даволашнинг III курсида йод натрий эритмасини қон томирга юбориш тўхтагандан сўнг, 0,1 % стрихнин эритмасини 0,2-1 мл миқдорда кун ора ҳар бир кўз учун 10 мартадан чакка териси остига юбориш зарур.

2. Мушак ичига юборилган азот натрий тузи эритмаси ўрнига атропин эритмасини 1:1000 0,1-0,5 мл миқдорда ёки 5 % ацетилхолинни 0,1 мл кун ора ҳар бир кўз учун 10 мартадан ретробульбар инъекция қилиш мумкин.

Ўпка сили ва сил менингитининг турларидан қатъи назар, антибактериал даволашнинг 4-6-кунидан бошлаб, таъсир қилувчи механизмнинг мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда, яллиғланишга қарши преднизолонни қуйидаги миқдорда бериш тавсия этилади:

1–3 ёш	7,5 мг (1,5 табл.) х 2 марта 5 мг (1 табл.) х 2 марта 5 мг (1 табл.) х 1 марта	7 кун; 7 кун; 7 кун;
4–7 ёш	10 мг (2 табл.) х 2 марта 7,5 мг (1,5 табл.) х 2 марта 5 мг (1 табл.) х 2 марта 5 мг (1 табл.) х 1 марта	7 кун; 7 кун; 7 кун; 7 кун;
8–10 ёш	12,5 мг (2,5 табл.) х 2 марта 7,5 мг (1,5 табл.) х 2 марта 5 мг (1 табл.) х 2 марта 5 мг (1 табл.) х 1 марта	7 кун; 7 кун; 7 кун; 7 кун;
10–15 ёш ва юқори	10 мг (2 табл.) х 3 марта 10 мг (2 табл.) х 2 марта 7,5 мг (1,5 табл.) х 2 марта 5 мг (1 табл.) х 2 марта 5 мг (1 табл.) х 1 марта	7 кун; 7 кун; 7 кун; 7 кун; 4 кун ёки 7 кун

Гормонлар билан даволашда, калий тузини чиқариб ташлашини ҳисобга олган ҳолда беморларга калийга бой бўлган мева-сабзавотлар, панангин, аспаркам, 2 % калий йод ёки калий хлор дориларни мунтазам бериб туриш керак. Сил менингити асоратларини (истисқо, нимфалажлик, фалажлик, кўз нерви пиёзчалари димланиши ёки атрофияси) бартараф этиш ва олдини олиш учун 5-, 6-, 7-жадвалда берилган даво муолажаларини ўтказиш лозим. Сил менингитини даволаш усулларининг такомиллаштириб борилиши натижасида ҳаракат бузилишлари жуда камаяди. Илгари нимфалаж ва фалажлик 40 фоиз беморларда кузатилган бўлса, ҳозирги вақтда 6-8 фоизни ташкил қилмоқда, холос.

Аёллар жинсий аъзолари сили диагностикаси ва дифференциал диагностикаси

Аёллар жинсий аъзолари сили диагностикаси кўпчилик ҳолларда қийинчилик туғдиради. Ҳатто, аёллар жинсий аъзолари сили ривожланишининг эрта босқичларида диагноз қўйиш мумкин бўлмаслиги ҳақида фикрлар айтилган. Бунинг сабаби шундаки, аёллар жинсий аъзолари сили кўп ўчоқли ва полиморфизм билан тавсифланади, шунингдек, клиник манзараси билан бошқа гинекологик касалликларга ўхшаб кетади, хусусан, эрта босқичларида аниқлашда қийинчиликлар туғдиради.

Аёллар жинсий аъзоларининг сили биринчи босқичи аёллар маслаҳат хонасида аниқланади. Гинеколог бепуштлик, бачадон ортиғининг сурункали яллиғланган, ҳайзи бузилган беморлар ўртасида «хавфли гуруҳ»ни тузади. Асосий гуруҳни экстрагенитал сил турларини (ўпка сили, умуртқа сили, суяк-бўғим сили, шунингдек, сийдик ажратиш аъзолари ва қорин, лимфа тизими) бошидан кечирган беморлар ташкил қилади. Бемор аёллар жинсий аъзолари силига шубҳа қилинганда, силга қарши диспансерларда, стационар шароитида тўлиқ комплекс диагностик чора-тадбирлар ўтказилиб диагноз қўйилади. Асосий диққатни анамнестик маълумотларга – сил беморлар билан мулоқотда бўлганми, болаликдаги сил синамаси виражи, шунингдек, экстрагенитал сил билан касалланганлиги ёки ҳозирги пайтда борлиги эътиборга олинади. Беморлар шикоят қилганда, асосан, оғриқнинг табиатига, жойлашган ўрнига эътибор бериш лозим. Ҳайз келиши, ўтиши ҳолатини аниқлаш керак (ҳайзнинг кеч бошланиши, оғриқли ўтиши, вақти-вақти билан тўхтаб қолиши ёки умуман келмаслиги). Мавжуд бепуштлик сабабини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунга абортдан кейинги яллиғланиш касалликлари, бола тушиши, туғруқ ва жарроҳлик операциялари сабаб бўлиши мумкин. Сурункали интоксикация белгилари аниқланади (умумий дармонсизлик, кўп терлаш, иштаҳа пасайиши, уйқу бузилиши, озиш, ўқишда орқада қолиш, меҳнат қилиш қобилиятининг пасайиши). Текшириш жараёнида беморларнинг қин ажралмаси ва ҳайз қони бактериологик ва бактериоскопик текширилади.

Аёллар жинсий аъзолари сили комплекс диагностикасида рентгенда текшириш алоҳида аҳамиятга эга, яъни кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи рентгенографияси бажарилади (янги ўчоқларни ёки петрификатларни аниқлаш, бу олдин сил билан касалланганликни билдиради). Гистеросалпингография ўтказганда қуйидаги рентгенологик ўзгаришлар аниқланади: эндометрийнинг ўчоқли зарарланишини рентгенда аниқлаб бўлмайди, аммо, бачадон бутунлай зарарланганда ўзгаришлар табиати, тарқалганлик даражаси ва касалликнинг давомийлигига боғлиқ бўлади (кўрсаткич бармоқ кўринишида бачадон бўшлиғи шаклининг қисман ва бутунлай ўзгариши, ҳатто, тўлиқ облитерациясигача).

Сил салпингитида рентгенологик тасвир, жараённинг қанчалик тарқалганлиги ва касалликнинг давомийлигига боғлиқ бўлади (бачадон найлари регидлиги, ингичкалиги, найнинг кенгайган қисми кўринмаслиги, чекиш трубкаси кўринишидаги бачадон найининг нуқсони). Айрим ҳолларда контурдан ташқаридаги соялар аниқланади.

Аёллар жинсий аъзолари силида рентген тасвири касалликнинг давомийлиги, фаоллиги ва тарқалиш даражасига бевосита боғлиқ бўлади. Патологик жараён ривожланишининг эрта босқичларида (салпингит ва эндометритнинг ўчоқли турлари) кўринарли рентгенологик ўзгаришлар бўлмаслиги мумкин. Бачадон найлари 2 фоиздан 25 фоизгача ўтказувчан бўлиши мумкин. Аёллар жинсий аъзолари силининг ишончлилигини патоморфологик усул билан аниқласа бўлади. Бунда бачадон бўшлиғидан олинган материал (ажралма, бачадон бўшлиғидан олинган шиллиқ ёки қиринди)ни текшириб, сил эндометрити диагнози қўйилса бўлади.

Диагноз қўйиш мақсадида бачадон бўшлиғи шиллиқ қаватидан ҳайз келишидан 1-2 кун олдин қиринди олинади. Шунингдек, олинган материал айни бир вақтнинг ўзида гистологик, цитологик ва бактериологик текширишга юборилади. Бактериологик текшириш ҳам гистологик текширишга ўхшаган аёллар жинсий аъзолари сили диагностикасида жуда муҳим усуллардан ҳисобланади. Бактериологик текшириш учун бачадон бўшлиғидан олинган қиринди, операцион материал, асцит суюқлиги, қин ва бачадон бўшлиғи ажралмаси ишлатилади. Натижа яхши бўлиши учун қайта-қайта текширилади.

К. МАХАМАТОВ, П. НАЗИРОВ, М. ҲАКИМОВ, М. ВАЛИЕВА, Ш. ЙЎЛДОШОВ,
Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази.
(Давоми бор).

Огоҳ бўлинг!

ҚУТУРИШ КАСАЛЛИГИ: ЛОҚАЙД ВА БЕЭЪТИБОР БЎЛМАЙЛИК

Қутуриш касаллиги инсониятга қадимдан маълум бўлган, одамларни даҳшатга солган, барча иссиққонли ҳайвонлар ва одамларда учрайдиган бедаво дарддир. Қутуриш касаллигининг олдини олишда Луи Пастернинг хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз. У дунёда биринчи бўлиб қутуриш касаллигига қарши вакцинани кашф этган ва қутуришга қарши эмлаш тизими ташкил этилишига асос солган. Касаллик бугунги кунгача бедаво дардлигича қолмоқда. Бу даҳшатли касаллик кўнгилсиз ҳолатларга олиб бориши табиий. Шу боис, биз бу касалликни даволашни эмас, балки унинг олдини олишимиз ҳамда ундан сақланишимиз, шунингдек, ўзимизни ва атрофдагиларни ҳайвонлар тишлашига йўл қўймаслик чораларини кўришимиз керак.

Айтиш жоизки, мазкур касаллик жуда оғир кечиб, ўлим билан якун топиши сабабли бу касаллик ўта хавфли юқумли касалликлар рўйхатига киради. Касаллик тўғрисида қисқача маълумот берадиган бўлсак, бу қутуриш ёки гидрофобия (сувдан қўрқиш) – барча иссиққонли ҳайвонлар ва одамларда учрайдиган, қутурган ҳайвонларнинг тишлаши (тирнаши, сўлаклаши) натижасида одамларга юқадиган, асосан асаб тизими шикастланиши билан кечадиган, вирус табиатли, бедаво, ўта хавфли юқумли хасталикдир. Уй ҳайвонлари учун қутуриш касаллигининг асосий манбалари – бўри, чиябўри, тулки, итлар, шунингдек, кўршапалаклар ҳисобланса, одамлар учун касалликнинг асосий манбалари ит, мушук ва ёввойи ҳайвонлардан бўри, чиябўри, тулки ҳисобланади. Касаллик одамга асосан қутурган ҳайвонларнинг тишлаши, тирнаши ва сўлаклаши оқибатида сўлаги орқали юқади. Одам организмига қутуриш вируси тушиши билан касаллик бирданига бошланмайди, дастлаб вирус нервлар атрофида бўладиган периневрал суюқлик оқими билан орқа ва бош мияга етиб боради ҳамда мия тўқимасида кўпая бошлайди. Бу жараён белгиларсиз кечиб, у касалликнинг яширин даври дейилади. Бу давр бир ҳафтадан бир йилгача, баъзида ундан кўпроқ ҳам давом этиши мумкин. Касалликнинг ўртача яширин даври 1-3 ойни ташкил этади.

Қутуриш касаллиги клиник кечишига қараб, уч даврга бўлинади: *бошланғич, қўзғалиш ва фалаж даврлари.*

Касалликнинг бошланғич даври 1-3 кун давом этади. Тишланган жой ўрни қичийди, тортишиб оғрийди, битган жароҳат ва чандиқ такроран яллиғланиши мумкин. Бемор тушкунликка тушади, ғамгин бўлиб қолади, одамлар билан мулоқотдан қочади, уйқуси бузилади, иштаҳаси бўғилади, унда қўрқув ҳисси пайдо бўлади, кайфияти ўзгариб туради, атрофга лоқайд қарайди.

Касалликнинг иккинчи даври бошланганидан 2-3 кун ўтгач, беморда қўзғалиш, яъни касалликнинг авж олиш даври бошланади. Беморнинг тана ҳарорати кўтарилади, қон томирларининг уриши тезлашади, сувни кўрганда, ҳаттоки сув тўғрисида эшитганда ҳам ютиш мускуллари тортишиб, қисқариб, қаттиқ оғрийди, ютиниши қийинлашади, яъни беморда сувдан қўрқиш (гидрофобия) аломати пайдо бўлади. Шундан кейин, бемордаги бу аломатга ҳаводан қўрқиш (аэрофобия) аломати ҳам қўшилади. Ҳаво ҳаракати ёки беморни бирор бир нарса билан елпиганда (сочиқ, қоғоз ва ҳ.к.) бемор бўғилади, талвасага тушади, хуруж ёруғликдан (фотофобия), баланд овоз ва шовқиндан ҳам (акустофобия) вужудга келади.

Касалликнинг учинчи, яъни фалаж даврида сувдан, ҳаводан, ёруғликдан ва шовқиндан қўрқиш аломатлари анча камайиб, бемор тинчланади, суюқлик ича бошлайди, овқатлангиси келади. Лекин тана ҳарорати юқорилигича қолади. Бемор сўзларни аниқ ва тиниқ айта олмайди. Шундан кейин, оёқлар фалажи бошланади (параплегия). Орадан 15-20 соат вақт ўтгач, тананинг бошқа мускуллари ҳам фалаж бўла бошлайди. Бемордан кўп сўлак оқиши давом этади, тана ҳарорати яна кўтарилади (40-42°С). Шу ҳолатлар давом этиб, бемор юрактомир фаолияти етишмовчилиги ёки нафас марказининг фалажи оқибатида вафот этади.

Бедаво ўта хавфли юқумли касалликдан сақланиш учун нималарга эътибор қаратиш керак?

Бунинг учун касалликнинг олдини олишнинг қуйидаги қоидаларига ҳар бир фуқаро мунтазам ва пухта амал қилиши талаб этилади.

** Эгасиз, дайди итлар пайдо бўлишига йўл қўймаслик.*

** Эгали итларни ҳудудий ветеринария хизмати идорасига ўз вақтида ҳисобга қўйиб, қутуришга қарши эмлатиш.*

** Ит сақлаш қоидаларига қатъиян амал қилиш.*

** Ит ва бошқа ҳайвонлар тишлашидан сақланиш.*

** Борди-ю бирор-бир ҳайвон тишласа, унда зудлик билан тиббий ёрдамга мурожаат этиш.*

Қутуриш касаллиги билан курашиш нафақат ветеринария ва тиббиёт ходимларининг иши бўлибгина қолмай, балки кенг жамоатчилик, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Шундай бўлган тақдирдагина биз кўзлаган мақсадимизга, яъни одамларни даҳшатли ва бедаво қутуриш касаллигидан муҳофаза қилишга эришган бўламиз.

Б. НОРҚИЗИЛОВ,
Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бош рабиологи.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Бош бошқармаси шифокорлик лавозимларига ишга қабул қилишни

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Бош бошқармаси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган жазони ижро этиш муассасаларидаги мавжуд бўлган бўш шифокорлик лавозимларига ишга қабул қилади.

Жисмонан ва руҳан соғлом, ички ишлар идоралари сафида хизмат қилишга лаёқатли, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятларида доимий рўйхатда турган, шифокорлик дипломига эга бўлган фуқаролар мурожаат этиши мумкин.

Ишга қабул қилиш ички ишлар идоралари хизматига қабул қилиш талаблари асосида амалга оширилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 25-уй.
Телефонлар: 291-59-02, 291-93-06.

Табиатнинг мўъжизакор саховати.

Билиб қўйган яхши

Соч қуриши, соч тўкилиши ва эрта (вақтидан аввал) оқариб кетиши каби касалликлар – соч касалликларидир. Соч қуриб кетиши инсон организмида А витамини етишмаганида рўй беради. Унинг учун тажрибада мана шу витамин бўлган маҳсулотлар – сабзи, помидор, кўк нўхат, қовун, апельсин ва сутни кўпроқ истеъмол қилиш керак.

Агар соч қуриб кетса – амалан ўсимлиги уч кун ивитилиб, сўнгра мол ёғида узоқ қайнатилади. Кейин эса, қайнатма тагида тўпланган ёғ бошга суртилади.

Агар бошда қазғоқ бўлса, у бошдаги ёғ безларининг бузилиши оқибатидир. Бу хасталикда бир сиқим нўхатни янчиб, унга сирка ва асал қўшилиб, аралаштирилади ва шу аралашмани бошга суртиб, бир соатдан сўнг ювиб ташланса, қазғоқлар бутунлай кетади.

Ибн Сино анжир баргининг қайнатмасини соч ювишда қўллашни тавсия этган. Ундан ташқари, соч тўкилиш ҳолатида қирқ қиз ўсимлиги илдизига ўттиз дона бодом қўшиб, қайнатилади. Бу қайнатма сирли идишга солиб қўйилади. Ҳар икки кунда бир пиёла миқдорида ана шу қайнатмадан олиб, қайнаган сувга аралаштирилади ва соч ювилади. Бир ярим ойдан сўнг соч тўкилиши тўхтайди.

Соч эрта оқарса, тут, ток ва қора анжир барглари аралашмаси ёмғир сувида қайнатилиб, бош ювилиши даркор. Бу ҳам катта фойда беради. Лавлагини қайнатиб, унинг сувига соч ва соқол ювилса, қораяди.

«Юз дардга юз даво» китобидан.

Полезные советы

ИММУНИТЕТ – ПОВЫШЕНИЕ НАРОДНЫМИ СРЕДСТВАМИ

Общепризнанным народным средством повышения иммунитета считается шиповник. Его ягоды или листья входят в состав большинства рецептов для повышения иммунитета. Один из самых простых способов повышения иммунитета – добавлять листья шиповника при заваривании чая или сироп шиповника в чай.

Народное средство для повышения иммунитета № 1:

** 1 чайная ложка аптечного сиропа шиповника;*
** 2 столовые ложки кефира;*
** 0,5 чайной ложки меда;*
** 1 банан;*
** щепотка корицы.*

Банан взбить в пену, перемешать с остальными ингредиентами, выпить. Принимать один раз в день в течение 1-3 недель.

ОБЩЕЕ УКРЕПЛЕНИЕ ОРГАНИЗМА

Лопух большой называют русским женьшенем, так как это растение обладает широким спектром целебного действия. Для улучшения обмена веществ, пищеварения, выведения солей принимайте настой листьев (без черешков), которые собирают в период цветения лопуха. 1 ст.ложку измельченных листьев залейте 1 стаканом кипяченой воды, держите на водяной бане 20 минут, настаивайте 1 час, процедите. Принимайте по 1 ст.ложке 3 раза в день до еды.

КАШЕЛЬ

* Пропустите спелые бананы через сито, затем смешайте полученную массу с горячей водой в пропорции 2 банана на 1 чашку воды, при желании добавьте сахар по вкусу, подогрейте. Принимайте смесь по несколько раз в день. Кстати, этот «вкусный» рецепт очень популярен в Бразилии.

* Измельчите большую луковицу, засыпьте 2 ст.ложками сахара, настаивайте 12 часов. В течение нескольких дней ешьте приготовленный таким образом лук вместе с выделившимся в процессе настаивания соком.

Подготовила Л. ВОЛОШИНА.

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ
Нашр учун масъул Бош муҳаррир ўринбосари Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «I» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Адади 6303 нусха. Буюртма Г-945.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

ISSN 2010-6149 «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана». Сайтимиз: www.uzssgzt.uz Топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5